VOLUME 7, ISSUE 1, 2023

AL-HIKAMUL ATOIYYA” ASARINING TASAVVUF ILMIDAGI O’RNI

Ахмедова Хосиятхон Отабек қизи

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломшунослик таълим йўналиши 2-курс магистранти

e-mail: Munabbih@gmail.com

Аннотация

Сўнгги йилларда юртимизда тасаввуф илмига барча қолган илмлар каби сезиларли даражада эътибор берилмоқда. Бу илм бизнинг жамиятимизда шу кунларгача унчалик аҳамиятга эга бўлмаган. Халқимиз орасида ҳам тасаввуф илмига ва унинг адабиётларига талаб катта бўлмаган. Аммо охирги йилларда тасаввуф илми бўйича саводхонлик даражаси ошиб, инсонлар орасида борган сари кучлироқ қизиқиш оширмоқда. Мана шу эътибордан тасаввуф илмидаги мўътабар асар "Ҳикамул Атоийя" асарига эътибор берилди. Бу асарни яна ҳам яхшироқ таниш, унинг аҳамиятини ўрганиш, ундаги ҳикматларни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида асардаги баъзи жиҳатлар таҳлил қилинди.

Таянч сўзлар

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий, Шозилия, Ҳикмат, тасаввуф, тариқат, ахлоқ, шарҳ, тасаввуф илмидаги ўрни.

МЕСТО РАБОТЫ «АЛЬ-ХИКАМУЛ АТОИЙЯ» В НАУКЕ СУФИЗМА

Аннотация

В последние годы науке суфизму, как и всем другим наукам, в нашей стране уделяется значительное внимание. Эта наука до сих пор не имела большого значения в нашем обществе. Среди нашего народа суфизм и его литература не пользовались большим спросом. Но в последние годы уровень грамотности в суфизме повысился и люди стали больше интересоваться им. С этой точки зрения было обращено внимание на авторитетный в науке суфизма труд «Хикамул Атоя». Некоторые аспекты произведения были проанализированы, чтобы лучше понять произведение, изучить его значение и применить его мудрость в жизни.

Ключевые слова

Ибн Атулла Сакандари, Шазилия, Хикмат, суфизм, Тарикат, этика, комментарий, место в суфизме.

THE PLACE OF THE WORK “AL-HIKAMUL ATOIYA” IN THE SCIENCE OF SUFISM

Abstract

In recent years, the science of Sufism, like all other sciences, has received significant attention in our country. This science has not had much importance in our society until now. Among our people, Sufism and its literature were not in great demand. But in recent years, the level of literacy in Sufism has increased and people are becoming more interested in it. From this point of view, attention was

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023

drawn to the authoritative work in the science of Sufism “Hikamul Atoya”. Several aspects of the work have been analyzed to better understand the work, explore its meaning, and apply its wisdom to life.

Key words

Ibn Atullah Sakandari, Shaziliya, Hikmat, Sufism, Tariqa, ethics, commentary, place in Sufism.

КИРИШ

“Ал-ҳикамул Атоийя” ислом оламида жуда маълум ва машҳур асардир. Унинг муаллифи йирик ислом уламоси, зоҳирий ва ботиний фиқҳни жамлаган мутасаввиф олим Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳимаҳуллоҳдир. Бу асар ўқигувчиларнинг қалбидан шунчалар чуқур ўрин олди-ки, баъзи уламолар асарга жуда улкан баҳо берадилар. Асардадаги ҳикматлар тасаввуф илмидаги кўплаб ҳолатлар ва арконларга мос тушади. Бу шундан далолат қилади-ки, ушбу асар тасаввуф илмидаги мўътабар манба ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Ал-Ҳикамул Атоийя” асари тасаввуф илмида чуқур ўрин эгаллаган Тожиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Атоуллоҳ Сакандарий роҳимаҳуллоҳнинг ёзган асари ҳисобланади. Муаллиф раҳимаҳуллоҳ ҳаёти давомида турли шаръий илмларни эгаллаш билан машғул бўлган. Замондошлари уни зоҳирий ва ботиниҳ фиқҳни жамлаган инсон деб эътироф этишган[5:164]. Ҳаётининг маълум даврида авваллари инкор қилган тасаввуф илмига кириб келган ва устози ҳамда бу илмга чуқур муҳаббат қўйган. Унинг бир қанча машҳур асарлари бўлиб, “Ҳикматлар”и ўз даврида ва ундан кейин ҳам кўплаб мақтовларга сабаб бўлган. Ибн Атоуллоҳ Ҳикматларини ёзиш билан шозилия тариқатининг давом этишига катта ҳисса қўшди. Тариқат асосчиси Абул Ҳасан Шозилий ҳам, Ибн Атоуллоҳ Сакандарийнинг устози Абул Аббос Мурсий ҳам таълимотлари тўғрисида бирор манба қолдиришмаган. Асар ҳам ёзишмаган. Ибн Атоуллоҳ эса тариқатда биринчи илмий мерос қолдириш билан, уни назарий ва амалий жиҳатдан сақлаб қолган десак муболаға бўлмайди[3:57-58].

Асар аниқ қайси йилларда ёзилгани маълум эмас. Аммо ҳижрий VII аср 686 йилдан аввал ёзилган деган тахминлар бор. Асарда 264 та ҳикмат бўлиб, улар қисқа сатрли назм услубида ёзилган[7:44]. Бу асарнинг кўплаб шарҳлари бўлиб, баъзилари ҳозирги кунда турли Ал-Азҳар ва бошқа шу каби нуфузли ислом олийгоҳларида ўқитиб келинмоқда.

“Ҳикамул-Атоийя” Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳимаҳуллоҳ асарларининг гултожи ҳисобланади. Асар тўлақонли тасаввуф илмидаги китоблар туркумига киради. Ундаги ҳикматлар асосан учта катта мавзуга бўлинади:

1.Тавҳид ва иймонни мустаҳкамлашга қаратилган ҳикматлар.

2.Ахлоқ ва руҳий тарбияга бағишланган ҳикматлар.

3. Сулук яъни тасаввуф илмидаги мурид учун хос бўлган ҳикматлар[8:195].

Бу китоб муаллиф раҳимаҳуллоҳнинг Қуръони Карим, Набавий Суннат ва бошқа илмлардан олган қисқача хулосасидир. Муаллиф китобни тасаввуф илми тўғрисидаги фикрларининг

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023

хулосаси ўлароқ ёзган. Асар олимнинг замонидаги сўфийлик мазҳабини, нафс билан кураш ва унга оид масалалалар, маърифат: унинг моҳияти, воситалари, манҳажлари, инсоннкнг ва борлиқнинг Аллоҳ билан боғлиқлиги, муриднинг ахлоқи, у тариқатда ўз ижтиҳоди, мақомоти, ҳоли ва маърифати бўйича риоя қилиши керак бўлган одоблари ва шунга ўхшаш масалаларни аввалию охиригача ўз ичига олган[2:39].

Яқин тарихимизнинг забардаст уламоларидан бўлган Саид Рамазон Бутий шундай дейди: Баъзи одамлар айтадики ушбу ҳикматларни ўрганишга берилиш, тасаввуфга берилишдир. Тасаввуф эса Исломга тўсатдан сизиб кирган нарса бўлиб, Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи ва саллам “Ишларнинг янгиларидан четланинг, албатта , ҳар бир янгилик залолатдир” дея қайтарган бидъатлардан бири.

Мен жавоб бераманки: Исм ва истилоҳлар билан биз муомала қилмаймиз, бизга уларнинг алоқаси йўқ. Ва бундан буён энди мен сўзлар ва таъбирлар луғатимдан “Тасаввуф” сўзини узоқлаштираман. Аммо шуни биламанки, ислом ёки унга кириб қолган бидъатлар исм ва сўзлар эмас, балки бу исмларнинг маънолари, мазмун ва тушунчаларини о’згартириш ва уларни бо’шқача тус беришдир. Тасаввуфнинг асл моҳияти унинг исмдан ҳам олдин юзага келган бо’либ, унинг тарихи Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёт тарзларига бориб тақалади. Шундай экан, бунга қандай ном қо’ймайлик, унинг мазмун моҳити о’з ҳолича қолаверади, бунга эса асло бид’ат деб даво қилиш жоиз эмас[3:67].

Бу жумлалардан маълум бўладики, тасаввуф бидъат илм эмас. Унинг мавзуси, Набийимиз соллоллаҳу алайҳи ва саллам буюрган сифатлар билан сифалтланиш, қайтарганларидан қайтишдир. Яна шуни билсак ҳам бўладики, Ибн Атоуллоҳ Сакандарийнинг ҳикматлари тасаввуфнинг айни ўзи. Ибн Атоуллоҳ Сакандарий роҳимаҳуллоҳ бу асарни ёзишда Қуръон ва суннатдан четга чиқиб кетмагани ҳам эътиборга молик жиҳатлардан биридир. Бу борада муаллифнинг шогирдларидан бири, буюк имом Тақиюддин Субкий раҳматуллоҳи алайҳ: “У кишининг тариқати Қуръон ва Суннатдан умуман четга чиқиш бўлмаган, соф исломий тариқатдир. Ибн Атоуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳ фиқҳда ҳам кўплаб китоблар ёзган, шулардан бири “Мухтасару таҳзибул-мудаввана” номли китобидир” деганлар[1:17]. Қолаверса, асарнинг матнлари Миср сўфийларидан бўлган, Абул Мурсий ва Шозилия тариқати таълимотларига бориб тақалади. Уларнинг иккиси ҳам, аҳли сунна уламолари ҳисобланади. Миср давлат бошқаруви ҳам Аҳли суннат вакиллари қўлида бўлган. Бундай давлатда Қуръон ва суннатга зид бўлган асар ёзилиб, бизнинг давргача етиб келиши эҳтимолдан ҳоли. Бунга китобнинг ўзидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин:

مِنْ عَلَامَاتِ الْإِعْتِمَادِ عَلَى الْعَمَلِ نُقْصَانُ الرَّجَاءِ عِنْدَ وُجُودِ الزَّلَلِ

Тойилиш вужудга келганда умидсиз бўлиш амалга суянишнинг аломатларидир.

Ушбу ҳикматда банданинг Аллоҳ таолонинг амрига биноан қилган амалларига нисбатан эътиқодига қараб ҳолати ўзгариши ҳақида сўз кетмоқда. Агар инсон амалига суяниб қолса, мен Аллоҳ таоло буюрган амални қилиб қўйдим, энди ўша амалга ваъда қилинган мукофотни албатта оламан, бунга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди, деган хаёлга бориб қолади. Бу ҳолатга тушган инсон ўзидан хато ўтганида, гуноҳ иш қилиб қўйганида бутунлай ноумидликка

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023

тушади. Мен қилган гуноҳга фалон азоб белгиланган эди, энди мен ўша азобга йўлиқаман ва барбод бўламан, деган хаёлга боради. Аслида бундай бўлмаслиги керак. Мусулмон банда қилган амалига эътимод қилиб – суяниб қолмаслиги лозим. Менга амр қилинган амални қилдим, албатта, унинг учун ваъда қилинган нарсага эришаман, деган хаёлга бормаслиги керак. Чунки амал эвазига ҳақ олиш банда билан банда орасидаги муомалаларда бўлади. Бировнинг ишини бажарган мардикор қилган ишига шартнома асосида тийинма-тийин ҳаққини санаб олади. Аммо Аллоҳ таоло билан банда орасида бу услуб кетмайди. Зотан, бандани йўқдан бор қилган ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Унга барча аъзоларни ва қобилиятларни берган зот ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Уни ҳидоятга бошлаган ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Унга амалларни бажаришга имкон берган зот ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Аллоҳ таоло бандага нима яхшиликни берса, Ўз фазлидан беради. Агар унга жазо берса, Ўз адли ила беради. Бу борадаги мўмин бананинг ақийдаси “Ақийдаи Тоҳавия” ва унинг шарҳида қуйидагича ифода қилинган:

«Уларнинг барчаси У Зотнинг хоҳишида ва фазли ҳамда адолати орасида айланурлар»[8:116]**.**

Шарҳ: Яъни халойиқнинг барчаси Аллоҳ таолонинг хоҳиши доирасида: баъзиларига нисбатан У Зотнинг ҳидояти, муҳофазаси ва афви, бошқаларига нисбатан эса У Зотнинг залолатга кетказиши, ёрдамсиз ташлаб қўйиши ва синови бўлиб, улар У Зотнинг фазли ва адолати орасида ҳаёт кечирадилар, яшайдилар. Бу ақийданинг ҳужжати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси шарифларидир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَنْ يَدْخُلَ أَحَدٌ الْجَنَّةَ بِعَمَلِهِ قَالُوا وَلَا أَنْتَ يَا رَسُولَ اللهِ قَالَ وَلَا أَنَا إِلَّا أَنْ يَتَغَمَّدَنِيَ اللهُ بِرَحْمَةٍ مِنْهُ وَفَضْلٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бирор киши ўз амали билан ҳеч қачон жаннатга кира олмас”,** дедилар. Одамлар: “Сиз ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули?’ дейишди. У зот: “**Мен ҳам. Агар Аллоҳ мени Ўз раҳмати ва фазли ила ўраб олмаса**”, дедилар”. (Муслим ривояти[1:49]).

Демак юқоридаги ҳикматга ушбу саҳиҳ ҳадис мос тушар экан. Худди шундай қолган барча ҳикматларнинг ҳам Қуръон ва Суннатдан далили бор.

Асарнинг сўфиёна манба эканлигининг аломатларидан бири Ибн Атоуллоҳ Сакандарийнинг тасаввуфдаги шозилия тариқатини устози Абул Мурсийдан қабул қилиб олгани, шогирдларига ҳам еткизгани ва бу тариқатда юксак даражаларга эришганидир. Қолаверса, асардаги ҳикматларнинг мавзуси ҳам тасаввуф илми мавзулари билан бир хиллиги ҳам тасаввуф илми манбаси эканлигига далолат қилади[6:44].

Асарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири “Рамзий” услубда ёзилганидир. Яъни ундаги сўзларнинг аксари 2 та маънода ишлатилади: истилоҳий ва рамзий. Рамзий услубнинг яна бир маъноси оз сўзлар билан чуқур ва кўп маъноларни ифода қилиш деганидир[2:120].

Буни қуйидаги ҳикмат мисолида кўриш мумкин:

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023

مَا نَفَعَ الْقَلْبَ مِثْلُ عُزْلَةٍ يَدْخُلُ بِهَا مَيْدَانَ فِكْرَةٍ

Қалб учун фикр майдонига киритадиган узлатга ўхшаш манфаат йўқ[1:124]**.**

Яъни қалб учун уни фикр қилишга ундайдиган энг манфаатли нарса бу узлат. Ушбу ҳикматда “Фикр майдони” дея фикрни майдонга боғлаб қўйган. Бу билан фикрга чиройли таъриф бериб, уни эканлигини ўқувчи онгига олиб келди. Узлат сўзи ҳам бир вақтда тана ва қалб узлати маъноларини беради. Ушбу ҳикматда узлат сўзи қалб сўзига қаратилгани сабабли қалб билан қилинадиган маънавий узлат тушунилади. Тана билан узлат қилиш қалб билан узлат қилишгача бўлган босқичдир. Аммо қалб билан узлат қилиш энг авлоси. Агар банда уддалай олса жисми инсонлар орасида бўлса ҳам қалбини фақат Аллоҳга боғлай олса, бу жуда катта ютуқ ҳисобланади. Шундай қилиб маҳорат билан фойдаланилган лафзлар ҳам қасд қилинган маънони етказиб, ҳам ҳикматларнинг чиройли услубда ёзилишига хизмат қилмоқда.

“Ал-Ҳикамул Атоийя” асарининг тасаввуф илмидаги ўрни жуда баланддир. Асар муаллифнинг шахсий фикрлари ёзилганга ўхшаб туюлсада, аслида маълум.ва машҳур уламоларнинг иомий меросларидан таъсирланиб ёзилган. Асар бир жиҳатдан Ибн Атоуллоҳнинг тасаввуфдаги мазҳаби ҳақида маълумот берса, бошқа тарафдан шозилия тариқати ҳақида авлоддан авлодга рост маъмулотлар етказиб келмоқда. Тасаввуф илмининг асосий мавзуси нафс тарбияси, қалбни Аллоҳга боғлаш, дунёга муҳаббат қўймаслик ва шунга ўхшаш барча яхши сифатлар ҳисобланади. Ибн Атоуллоҳнинг китобидаги ҳикматлар ҳам инсонни комилликка, нафсини жиловлаш ва шу каби бир қанча сўфий ва дарвешларга хос сифатлар билан сифатланишга чақиради.

Ибн Атоуллоҳ роҳимаҳуллоҳ тариқат вакиллари орасида “Ҳикматлар эгаси” номи билан машҳур бўлган. Унинг замондошлари бу асарни кўп мақтаганлар. Улардан фақиҳ Собит Банноний раҳматуллоҳи алайҳ: “Агар намоз Қуръондан бошқа нарсани ўқиш билан дуруст бўлганда эди, албатта, фақатгина Ибн Атоуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳикматлари билан дуруст бўларди”, деганлар. Бу асарга турли замонларда кўплаб шарҳлар ёзилган. Улардан энг машҳурлари 7 та:

1. Ибн Ажийба роҳматуллоҳи алайҳнинг;

2. Ибн Аббос Нафазий Рундий раҳматуллоҳи алайҳнинг;

3. Муҳаққиқ олим Абдуллоҳ Шарқовий раҳматуллоҳи алайҳнинг

4. Шайх Аҳмад Зарруқ раҳматуллоҳи алайҳнинг;

5. Шайх Абдулмажид Шарнубий Азҳарий раҳматуллоҳи алайҳнинг;

6. Муҳаддис шайх Муҳаммад Ҳаёт Синдий раҳматуллоҳи алайҳнинг;

7. Шайх Мутаваллий Шаъровий раҳматуллоҳи алайҳнинг шарҳларидир[1:26].

Бизнинг диёримизда ҳам Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Ҳислатли ҳикматлар шарҳи” номи остида чоп этилган шарҳлари ҳам маълум ва машҳурдир.

XULOSA

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ибн Атоуллоҳ Сакандарийнин Ҳикматлари тасаввуф илмида ва шу билан бирга бошқа ислом илмларида ҳам муҳим манба ҳисобланади. Асар барча давр учун долзарблигини йўқотмайди. Замон ўзгариб, инсонлар ҳаёти ўзгарсада, асардаги мавзулар ва ҳикматлар аҳамиятини йўқотмайди. Чунки инсон нафсининг душманлиги ҳеч қачон тугамайди ва қандай даврда бўлмасин ўзгармайди. Ушбу ҳикматларга риоя қилган ва мағзини чақиб фойда олган киши эса қалб ҳотиржамлиги, нафс тарбияси, ахлоқ гўзаллиги ва Аллоҳга элтувчи тариқатни топади. Бевосита Ибн Атоуллоҳдек сўфийга мурид бўлади десак муболаға бўлмайди. Айниқса турли зарарли ғоялар тарқалиб, уларга тарғиб қилинаётган замонда бундай китобларнинг аҳамияти катта.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Хислатли ҳикматлар шарҳи. Тошкент: Ҳилол Нашр, 2019. – Б. 26-49-124.
2. Ибн Аббод Нафазий Рундий. Шарҳ ҳикамул атоийя. Қоҳира. Марказул иҳром. 1988. – Б. 39.
3. Муҳаммад Саид рамазон Бутий. Ҳикамул Атоийя Шарҳ ва Таҳлил. Байрут: Дарул фикрил муасир. 2003. – Б. 57-58.
4. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. «Саҳиҳул Бухорий». Байрут, Ливан: Дорул фикр1994. – Б. 321.
5. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ажийба Ҳасаний. Ийқозул ҳимам. Қоҳира: Дорул маориф. – Б. 164.
6. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. Тошкент: Адолат. 2001. – Б. 44.
7. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Тошкент:Мовараунnаҳр. 2009. – Б. 17.
8. Садриддин Муҳаммад ибн Алоуддин Али ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ҳанафий. Шарҳул Ақийдатит-Таҳовия. Байрут: Ал-мактабул исламий. 1988. – Б. 116-195.
9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Тошкент: Шарқ. 2011. – Б. 63.

WORDLY KNOWLEDGE